

ХП. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

**Юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда ишловчи
ҳодимларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
(2020 йил январь-июнь, дастлабки маълумот)

Андижон вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 376,7 минг сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 25,5 % га ўсди.

**Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан асосий меҳнат
кўрсаткичларининг ўзгариши**
(2020 йил январь-июнь , қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик



**Корхона ва
ташкилотлар сони**

104,1



Ҳодимлар сони

98,8



Иш ҳақа фонди

126,1




Ўртача иш ҳақи

125,5

Иш ҳақи. 2020 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари
бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)




Саноат



Саноат фаолият туридаги 63 та корхонада 34,9 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 17,6 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 736,5 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 27,7 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 3 775,2 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 34,8 % га ўсди.




Қурилиш



Қурилиш фаолият туридаги 10 та корхонада 0,8 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 16,3 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,6 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 3 736,3 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 48,1 % га ўсди.




Савдо



Савдо фаолият туридаги 28 та корхонада 3,0 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,5 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 36,8 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 1,4 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 114,9 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 7,5 % га ўсди.




Ташиш ва сақлаш



Ташиш ва сақлаш фаолият туридаги 19 та корхонада 2,6 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 19,4 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,7 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 540,4 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 45,5 % га ўсди.




Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар фаолият туридаги 5 та корхонада 0,1 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,1 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 0,7 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,1 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 088,8 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 33,7 % га ўсди.




Ахборот ва алоқа




Ахборот ва алоқа фаолият туридаги 5 та корхонада 0,9 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,5 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 12,3 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,5 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 218,7 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 5,2 % га ўсди.




Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик



Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолият туридаги 41 та корхонада 4,0 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,0 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 124,1 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 4,7 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 4 984,1 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 23,1 % га ўсди.




Таълим



Таълим соҳасида фаолият туридаги 1 525 та корхонада 86,6 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 43,7 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 965,5 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фонди улуши 36,3 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 962,4 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 19,5 % га ўсди.



**Соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий хизматлар
кўрсатиш**



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги 76 та корхонада 38,6 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 19,5 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 392,8 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 14,8 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 778,6 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 26,5 % га ўсди.


Бошқа ижтимоий хизматлар соҳасидаги 387 та корхонада 24,8 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 12,5 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 333,0 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 12,5 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 244,7 минг сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг мос даврида нисбатан 26,6 % га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик 4 984,1 минг сўмни ташкил этмоқда ҳамда қурилиш 3 736,2 минг сўмга тўғри келмоқда. Энг паст кўрсаткич Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1 088,8 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(2020 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



**Шаҳар ва туманлар кесимидаги ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**
(2020 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, минг сўм)



Шунингдек, ҳудудлар кесимида қарайдиган болсак, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори миқдори Асака (3 821,0 минг сўм, вилоятдаги ўртача ойлик номинал иш ҳақига нисбатан 160,8 % га ўсди), Андижон (2 852,7 минг сўм вилоятдаги ўртача ойлик номинал иш ҳақига нисбатан 120,0 % га ўсти) шаҳрида кузатилди.


**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг
ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати**
(2020 йил январь-июнь , қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, % да)



Андижон вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь-июнь , қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, минг сўм)

	2019 йил	2020 йил	Ўсиш суръати, % да
Андижон вилояти	1 893,8	2 376,7	125,5
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	2 262,2	2 852,7	126,1
Хонобод	1 928,4	2 550,0	132,2
<i>туманлар:</i>			
Андижон	1 499,4	1 951,1	130,1
Асака	2 788,8	3 821,0	137,0
Балиқчи	1 376,5	1 582,3	115,0
Бўстон	1 381,2	1 687,5	122,2
Булоқбоши	1 381,7	1 708,7	123,7
Жалақудуқ	1 650,6	1 966,1	119,1
Избоскан	1 502,3	1 810,1	120,5
Улуғнор	1 456,0	1 687,0	115,9
Марҳамат	1 476,6	1 770,1	119,9
Олтинкўл	1 365,3	1 530,8	112,1
Пахтабод	1 602,5	1 872,2	116,8
Хўжабод	1 716,8	2 172,2	126,5
Шаҳрихон	1 400,1	1 813,8	129,6
Қўрғонтепа	1 578,3	1 830,1	116,0

Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь-июнь ойларида; вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Асака тумани 3 821,0 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 160,8 %), Андижон шаҳар 2 852,7 минг сўмни (120,0 %) ташкил этган бўлса, Балиқчи туманида 1 582,3 минг сўмни (66,6 %) ва Олтинкўл туманида 1 951,1 минг сўмни (64,4 %) ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (2020 йил февраль ойида 679 330 сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

